

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Наманган мухандислик педагогика институти**

**Агроинженерия кафедраси**

**«Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар» фанидан  
тажриба машғулотлар ўтказиш учун**

# **услубий кўлланма**

**Наманган - 2006 йил.**

Ушбу услугбий қўлланма «Транспорт воситаларини ишлатиш ва уларни таъмирлаш» мутахассислигининг бакалавр ва касб-таълим йўналишлари кундузги ва маҳсус сиртқи бўлим талабалари учун «Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар» фанидан намунавий дастур асосида тайёрланган.

Тузувчилар:

Т.ф.н. доц. А. А. Акбаров  
К.ўқ . С.У.Темиров

Тақризчи:

Орипов Алишер  
Қўкумбой қишлоқ хўжалик касб-  
щунар коллежи директорининг  
муовини, олий тоифали ўқитувчи

Услубий қўлланма “Агроинженерия” кафедрасининг 2006 йил 28 августда бўлиб ўтган кенгашида мақулланган ва иститут илмий - услугбий кенгашининг 2006 йил 29 августда йиғилишида кўриб чиқилиб чоп этишга ҳамда фойдаланишга тавсия этилган.

## **КИРИШ**

Халқ фаровонлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги машиналари, транспорт воситалари, шу жумладан автомобил ва трактор транспортини, ривожлантиришга бевосита боғлиқдир.

Автомобил, ҚҲМ ва транспорт воситаларининг ишончлилиги, иқтисодий ва тежамкорлик кўрсаткичлари уларни ишлатишида қўлланадиган экспулитацион ашёлар, ёнилғи, мойлар, техник суюқликлар, лок, бўёқ ва бошқа ашёларнинг сифати билан белгиланади.

“Ёнилғи ва мойлаш материаллари” ва «Автомобилларда ишлатиладиган ашёлар» фанлари тайёрланадиган мутаҳассисликлар ҳамда йўналишлар ўқув режалари асосида ўрганилади.

Фанларни ўрганишдан асосий мақсад автомобил, трактор, ҚҲМ, транспорт воситаларидан фойдаланишида ишлатиладиган экспулитацион ашёлар, ёнилғи мойлаш материаллари, пластик сурков мойлари, техник суюқликлардан оқилона фойдаланиш усуллари, энергетик ресурсларни иқтисод қилишни ўргатишдан иборадир.

Бўлажак мутаҳассислар, ёнилғи-мойлаш ва ёрдамчи экспулитацион ашёларни автомобил, трактор, ҚҲМ, транспорт воситаларини конструкциясига қараб тўғри танлаш, улардан фойдалана олиш соҳасидаги чуқур назарий – амалий маълумотларга эга бўлишлари зарур. Шунинг учун фанни ўзлаштиришни чуқурлаштириш учун талабалар уни энг муҳим мавзуларидан белгиланган тажриба ҳамда амалий машғулотларни бажаришлари ва ҳисобот кўринишида топширишлари шарт.

## **1. ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ**

**Мавзу:** Бензинни асосий сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

1. Ишнинг мақсади: Ички ёнув двигателларида кенг қўлланиладиган бензинни эксплуатацион хоссаларини баҳолаш.

2. Ишнинг мазмуни

- а. Бензинни ассортименти билан танишиш.
- б. Бензинни зичлигини аниқлаш.
- в. бензинни фракцион таркибини аниқлаш.

3. Ишни бажариш тартиби:

**а. Бензиннинг ассортименти билан танишиш.**

**Ранги.** Таркибida этил моддаси бўлган А-76 сариқ, А-80, Аи-93 қизл-пушти, Аи-95, АИ-98 кўк рангда бўлади (бошқа рангларда ҳам бўлиши мумкин).


**Тиниқлиги.** Бензинларнинг тиниқлиги шишасимон цилиндрларда аниқланади. Хона шароитида ёнилғининг таркибидаги сув микдори уни хира қилиб кўрсатади. Бензинлардаги бундай аралашмалар жуда тез (15-30 дақиқа оралиғида) идишнинг тубига чўкади. Бундай ёнилғиларни ишлатишдан олдин албатта фильтрлаш лозим.

**Ҳиди.** Бензинлар ҳарактерли ҳидга эга. Термик-крекинг усули билан олинган ёнилғининг ҳиди ўта ёқимсиз бўлади.

**Буғланиши.** Оқ қофозга томизгич ёрдамида бир томчи бензин ёнилғисини томизилади ва буғланиши кузатилади. Буғланишдан сўнг қофоздаги қолдиқлар текширилади. Автомобил бензинларининг барча русумлари қофозда қолдиқсиз, 1-2 минут ичидаги буғланади.

### **6. Бензиннинг зичлигини аниқлаш.**

Тоза шиша идишга 250 мл хажмда синалаётган ёнилғи тўлдирилади. Хонанинг ҳарорати билан тенглашгунга қадар кузатилади (зарур бўлса қиздириллади).  $650\dots750$  кг/ $m^3$  оралиғидаги зичликни аниқлайдиган нефтеденсиметр танлаб олинади. (1-расм)




1- расм нефтеденсиметрлар

а ққ> синалаётган ёнилғи ҳароратини ҳам күрсатади;

б ққ> синалаётган ёнилғи ҳароратини күрсатмайды.

### **в. Бензинни фракцион таркибини аниқлаш.**

Ёнилғининг фракцион таркибини маҳсус асбоб ёрдамида аниқланади (2-расм). Асбоб, шиша колба, совуткич, 100 мл ҳажмли ииғиши цилиндр, қиздириш асбоби (электр плита ёки спирт лампаси), ҳайдаш ҳароратини аниқлаш учун ҳарорат ўлчагич, маҳкамлаш штативларидан иборат.



2-расм. Бензиннинг фракцион таркибини аниқлаш асбоби.

1-колба. 2-термометр. 3-совуткич. 4-ўлчамли цилиндр. 5-электроплитка.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Синалаётган ёнилғи олдин ҳлорли кальцийдан тозаланади. Қолган ёнилғи шкалали цилиндрда ўлчанади ва 100 мл миқдорда колбага қуйилади.

Колба тиқини герметик қилиб беркитилади. Термометр суюқлик буғининг ҳароратини кўрсатади.

2. Колба асбест прокладка ёрдамида электр плиткага ўрнатилади ва маълум ҳароратгача қиздирилади.

3. Ўлчагичли цилиндр совуткич турубаси остига қўйилади, у совуткичдан ўтиб, суюқликка айланган ёнилғини йиғиш учун хизмат қилади.

4. Электроплитка ёрдамида қиздиришни шундай ҳисоб-китоб қилиб олиб бориладики, биринчи томчи 5-10 минут оралиғида тушишини таъминлаш керак бўлади. Шу оралиқдаги ҳарорат ҳайдашни бошланишидаги ҳарорат деб ҳисобланади.

5. Биринчи томчи тушгандан кейин, ҳайдаш бир хил мувозанатда секундига 20-25 томчи тезликда олиб борилади.

Айрим ҳолларда режим бузилиши мумкин. Масалан;

- агар ёнилғини қиздириш хаддан ташқари юқори бўлса, ҳайдаш тез амалга оширилади ва фракцион таркиби енгил бўлади;
- агар ёнилғини қиздириш хаддан ташқари паст бўлса, ҳайдаш секин амалга оширилади ва фракцион таркиби оғир бўлади.

6.Ҳар 10 мл ёнилғи ҳайдалгандан кейин ҳарорат ёзиб борилади. Ҳайдаш тезлигини доимий саклаш учун ҳарорат бир хил шароитда таъминланиши зарур.

7.Цилиндрдаги ёнилғи миқдори 90 мл атрофида бўлади. 3-5 минут оралиғида тўла ҳайдаб бўлинади.

8.Термометрнинг максимал кўрсаткичи ҳайдашнинг охирги ҳарорати қиймати учун ёзилади.

9.Ҳайдаш тугагандан сўнг колба тиндирилади ва ўлчагичли цилиндрга қўйиб ўлчанади.

10.Олинган натижалар жадвалга ёзилади ва шу асосида ҳайдаш графиги қурилади.

11. Ҳайдаш графигини тахлили;

Бензиннинг биринчи – 10 фоиз фракцияси унинг ўт олдириш ҳусусиятини ҳарактерлайди. Бу фракцияни қайнаб бўлиш ҳарорати қанча паст бўлса бензиннинг ўт олдириш ҳусусияти шунчалик яхши ҳисобланади.

Бензиннинг 10 дан 90 фоизгача қисми ишчи фракция ҳисобланади. Стандарт асосан ишчи фракция бензиннинг 50 фоиз қайнайдиган ҳарорати билан нормалланади ва у 100...115.<sup>°</sup>Сни ташкил этади.

Бензиннинг 90 фоиздан охиргача бўлган фракцияси оғир фракция дейилади ва керак бўлмаган қисми ҳисобланади. Қайнаш ҳарорати 90 фоиз қисмдан охиргача бўлган давр қанча оз бўлса, бензинни сифати шунча юқори ҳисобланади.

4- Ҳисобот тузиш;

1. Амалий ишнинг мавзуси
2. Ишнинг мақсади.
3. Тажриба асбобининг принципиал схэмаси.
4. Ишнинг натижалари.
5. Ҳулоса.

## 2- ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

**Мағзұ:** Дизель ёнилғисини асосий сифат күрсаткичларини аниқлаш.

**1. Ишнинг мақсади:** Дизель двигателларида құлланиладиган ёнилғини эксплуатацион ҳусусиятларини бақолаш.

**2. Ишнинг мазмуні;**

а) Дизель ёнилғисининг ассортименти билан танишиш.

б) Кинематик қовушоқликни аниқлаш.

в) Қотиш ҳароратини аниқлаш.

г) Дизель ёнилғисини таркибидаги сув миқдорини аниқлаш.

**3. Ишнинг бажариш тартиби;**

а. Дизель ёнилғисини ассортименти билан танишиш.

**Ранги;** Дизель ёнилғиси сариқ, түк сариқ тусда бўлиши мумкин.

**Тиниқлиги;** Дизель ёнилғиси ўта тиник, таркибида механиқ аралашмалар ва сув бўлмаслиги асосий талаблардан биридир. Механиқ аралашмаларнинг ёнилғи таркибидан йўқотиш учун фильтрация усулидан фойдаланилади. Масалани аниқлаш учун фильтрдан бир литр атрофида ёнилғи ўтказилади. Фильтрлаш жараёни тугагандан сўнг фильтр қофоз очиб юборилади ва ёнилғи таркибидаги механиқ аралашмалар ҳақида фикр юритилади.

**Хиди;** Дизель ёнилғиси ҳарактерли ҳидга эга.

**Буғланиши;** Оққоғозга шиша таёқча ёрдамида бир томчи ёнилғи томизилади ва буғланиши кузатилади.

**Қовушоқлиги;** Дизель ёнилғисининг қовушоқлиги унинг сифат күрсаткичларидан биридир. Ёнилғининг қовушоқлиги уни трубопроводларидаги ҳаракати билан баҳоланади. Қовушоқлик катта бўлса, ёнилғини фильтрлардан ўтиши қийинлашади ва ёниш камерасига пуркалиш ёмон бўлади.

**б. Кинематик қовушоқликни аниқлаш.**


Кинематик қовушоқлик деб юзаси  $1 \text{ см}^2$  бўлган икки қатламни бир биридан  $1 \text{ см}$  масофада бўлган бир бирига  $1 \text{ см/сек}$  тезлик билан  $1 \text{ Ньютон}$  куч остида таъсир этувчи қаршилик кучига айтилади.

Кинематик қовушоқликни ўлчов бирлиги қилиб сантистокс (сст) ёки  $\text{см}^2/\text{сек}$  қабул қилинган.

Кинематик қовушоқликни аниклаш учун Освольд-Пинкевич вискозиметридан фойдаланилади. Вискозиметр U-симон турубка бўлиб, биринчи тирсагида 2 та ҳажми аниқ бўлган шарсимон сифимлар жойлашган. Уларнинг пастида эса колибрланган турубкага (томчилаш турубкаси) ҳар иккала тирсак бирлашган пастки қисмида кенгайтирилган сифим мавжуд бўлади. (3\_а-расм)

Қовушоқликни аниклашдан олдин вискозиметр яхшилаб ювилади ва қуритилади. Синалаётган ёнилғи сувдан тозаланади, визкозиметрни бир учига резина турубка кийгизилади, Йўғон томони бош бармоқ билан беркитилади. Вискозиметрни ингичка (узун) қисми ёнилғи тўлдирилган стаканга тиширилади. Иккита шарсимон сифим ёнилғи билан тўлгунча резина турубка орқали оғиз билан сўрилади, ёнилғи билан тўлдирилган вискозиметр ванна (10) га туширилади (3\_б-расм). Ваннага енгил мой ёки глицирин тўлғазилган бўлади. Ванна штативга ўрнатилиб иситкич (11) ёрдамида  $20\pm2^0$  атрофида қиздирилади ва 10 минут давомида ушлаб турилади.

Резина турубка кийдирилган вискозиметрни ингичка қисмига шарсимон сифим тўлгунча оғиз билан сўрилади. Ёнилғи шарсимон сифимлардан юқорида бўлиши керак. Ёнилғининг қовушоқлигини аниклаш мақсадида ёнилғини вискозиметрнинг сифимлар қисмидан калибрли ингичка қисми орқали оқиб ўтиши секундомер ёрдамида қайд этилади. Секундомерни ишга солиш ва тўхташиш сифимларга қўйилган белгилар (А ва Б)-га қараб амалга оширилади. Тажриба уч марта такрорланади. Олинган натижаларни ўртача арифметик қиймати қабул қилинади.



3-расм. Оствольд- Пинкевич вискозиметри.

1-Калибрланган шарик; 2-капилляр трубка; 3-ёнилгини қиздириш учун сифим; 4-ўлчаш учун бўғиз; 5-кенг трубка; 6-термометр; 7-резина трубка; 8-маҳкамловчи винт; 9-аралаштиргич; 10-ванна; 11-электроплитка.


Натижаларни қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$V_t = C \cdot \tau_{\text{урт}}$$

Бу ерда;  $V_t$ - ёнилгини  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратли шароитдаги кинематик қовушоқлиги, сст;

$C$ -вискозиметр доимийси, сст/сек;

$\tau_{\text{урт}}$  - ёнилгини калибрланган трубка орқали оқиб ўтиш ўртacha вақти, сек;



4-расм. Қотиш ҳароратини аниқлаш асбоби.

1-термометр; 2-пробирка; 3-тиқин; 4-термометр; 5-аралаштиргич; 6-пробирка; 7-стакан; 8-совитувчи аралашма.

### **в. Қотиш ҳароратини аниқлаш.**

1.4-расмда күсатилгандек шишиасимон пробирка 2 га (диаметри 25-30 мм) синалаётган ёнилги 35-45 мм баландликда қўйилади. Ёнилғи тажриба ўтказишдан олдин сув ва ҳар хил механик аралашмалардан тозаланади.

2.Ёнилғи билан тўлгазилган пробирка тиқин (3)ёрдамида беркитилади. Пробирка тубидан 15- 20 мм баландликда термометр (4) ўрнатилади.

3.Ёнилғи билан тўлгазилган пробирка иккинчи пробирка (6) ичига ўрнатилди. Бу пробирка биринчи пробирка учун ҳаво ваннаси бўлиб хизмат қиласи. Стакан (7) махсус аралашма билан тўлдирилади. Термометр (1) ёрдамида стакандаги ҳарорат ўлчанади. Аралаштиргич (5) билан аралашма аралаштириб

турилади. Совутувчи аралашма сифатида ёнилгини ёзги синашда қор, ош тузи, қишки русумларини синаш учун эса денатурланган спиртдан фойдаланилади.

4. Совутувчи аралашма ичига пробирка вертикал холатда үрнатилади.  $10^{\circ}\text{C}$  ҳароратли шароитдан бошлаб ҳар  $5^{\circ}\text{C}$  га ҳароратни камайишига қараб пробирка идишдан олинади ва кузатилади. Тажрибани ўтказиш жараёнида совутувчи арлашмани ҳарорати аста секин камайтириб борилади.

5. Бунинг учун пробирка совутувчи арлашмага туширилади. Котиш ҳароратини аниклашда суюкликни чайқалишига йўл қўйилмайди. Идиш  $45^{\circ}$  бурчак остида қийшайтирилиб кўрилади. Агар пробиркадаги суюкликни сатхи қўзғалмаса суюқлик қотган ҳисобланади. Бу ҳарорат қотиш ҳарорати бўлиб ҳисобланади.

**г. Дизел ёнилғиси таркибидаги сув миқдорини аниклаш.**

5-расмда келтирилганидек, тажриба ўтказиш учун колбага 100 мл ёнилғи қуйилади. Колба (1) га тутқич-қабул қилгич(2) зич қилиб үрнатилади ва у совитгич (3) билан уланади. Қабул қилгич бўлакларга бўлиб шкалаланган. Масалан, 1-100 мл гача 0,2 мл оралиқдан қилиб бўлакларга ажратилган.

1. Колбадаги ҳарорат  $100^{\circ}\text{C}$  га етиши билан ёнилги ва сув буғи тутқич трубкаси бўйлаб кўтарила бошлайди. Буғ совуткичдан ўтиб, суюқликка айланиб қабул қилгичга тушади. Сувнинг солиширима оғирлиги ёнилғидан катта бўлгани учун у қабул қилгични тагига тўпланади.

2. Қиздириш ва ҳайдаш жараёни ёнилгида сув миқдори қолмагунча давом эттирилади. Ҳароратни бир неча марта кўтариб 5 минут атрофида сув миқдорини кузатилади. Агар сув миқдори кўпаймаса тажриба тугатилади.

3. Агар совутгич трубкасида сув томчилари йиғилиб қолган бўлса, тутқичга оқизилади.

4. Колба совигандан сунг тутқич-қабул қилгичдаги сув миқдори ҳажм ва оғирлик бўйича ҳисобланади.

5. Ёнилгидаги сувни ҳажм бўйича фоиз ҳисобидаги миқдорини қуийдаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$W = \frac{B \cdot 100}{\Phi} \%$$

Бу ерда: В-тутқич –қабул қилгичдаги сув миқдори, мл;


Ф-тажрибада синаш учун олинган ёнилги миқдори, мл;

Ёнилгидаги сувни оғирлик бўйича фоиз ҳисобидаги миқдорини қуийдаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$W = \frac{B b_B \cdot 100}{\Phi b_H} \%$$

Бу ерда:  $b_B$ -сувнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>

$b_H$ -ёнилғининг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.



5-расм. Нефт маҳсулотларини таркибидаги сув миқдорини аниқлаш асбоби.

1. Колба. 2. Тутқич қабул қилгич. 3. Совитгич.

Тажрибада синалган ёнилғини ишга яроқли, яроқли эмаслиги хақида ҳулоса ёзилади.

#### **4. Ҳисобот тузиш.**

1. Амалий ишнинг мавзуси.
2. Ишнинг мақсади.
3. Ишнинг натижалари (бандлар бўйича)
4. Тажриба асбобининг принципиал схемаси.
5. Хулоса.

#### **3- ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ**

**Мавзу:** Мотор мойларини асосий сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

**1.Ишнинг мақсади:** Ички ёнувдвигателларида кенг қўлланиладиган мотор мойларини эксплуатасион ҳусусиятларини баҳолаш.

**2.Ишнинг мазмуни:**

- а. Мотор мойини ассортименти билан танишиш.
- б. Кинематик қовушоқлигини аниқлаш.

**3.Ишни бажариш тартиби:**

- а. Мотор мойини ассортименти билан танишиш.

**Ранги:** Мойнинг ранги ва тиниқлиги уни тозалигига, присадкалар ва қўшимча аралашмалар микдорига қараб баҳоланади. Мотор мойи 10-15 мм диаметрли пробиркага қўйилади. Мойни рангини кузатканимизда тўқ жигарранг тусда қўзга ташланади.


**Хиди:** Янги мой жуда кучсиз ҳидга эга бўлиб, бир-биридан ажратиш қийин. Айрим ҳолларда селектив аралаштиргичларнинг ҳиди келиб туради. Селектив аралаштиргичларга фурфурол, фенол, нетробензоллар мисол бўлиши мумкин.

**Тиниқлиги:** Сув ва механиқ аралашмаларнинг мойни таркибида бўлмаслиги, айниқса, ишлаб-чиқариш жараёнида сифат кўрсаткичларини аниқлашда бунга жуда катта эътибор берилади.

Мойни таркибидаги механиқ аралашмаларни аниқлашда пробиркадаги чүкиндилар ҳосил бўлишига ёки бир томчи мойнинг фильтр қоғозида қолдирган изига қараб фикр юритиш мумкин. Бу жараённи амалга ошириш учун синаалаётган мой электроплитка ёрдамида  $50-60^{\circ}\text{C}$  атрофида қиздирилади. Мойни яхшилаб аралаштириб, сўнг 2-3 томчи мой фильтр қоғозга томизилади. Тоза мой қоғозда тиник кўринади. Ҳудди шу мойни ойнага суртиб, уни оқишини кузатиб, тиниқлигига баҳо бериш мумкин. Кирланган мой эса ойнада нуқта-нуқта излар қолдиради.

#### б. Кинематик қовушоқлигини аниқлаш.

Кинематик қовушоқлигини капилярли вискозиметр ёрдамида аниқланади (6-расмга қаранг). Бу вискозиметр U-симон кенгайтирилган ва капиляр сифимли шиша трубкали бирикмасидан иборат.



6-расм. Сувли термостатга ўрнатилган вискозиметрии умумий кўриниши.

1-Вискозиметрлар; 2-капиляр; 3- А ва Б белгили юқори ва пастки сифимлар; 4-резина трубка; 5-термостат; 6- иситувчи спираль; 7- термометр; 8- вискозиметрии мой билан тўлдириш.

Кенеметик қовушоқлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$\nu = C \cdot \tau_{\text{յpm}}$$

Бу ерда С-визкозиметрнинг доимийси, капилярга эга бўлган шишадан тайёрланган ВПЖ-2 русумли визкозиметр учун 1,106 га тенг;  $\tau_{\text{յpm}}$ - белгиланган миқдордаги мойни капиляр трубкадан оқиб ўтиш вақти, сек.

1. Визкозиметрни йўғон томонига 15-20 сантиметрли резина трубка кийгизилади. Асбобни тўнтарилган ҳолда идишга туширилади ва резина трубка ёрдамида оғиз билан мой сўрилади. Мой, 2та шарсимон сифим тўлгунча сўрилади. Сўрилган мойнинг сатхи юқори шарсимон сифимдан тепада бўлиши керак. Визкозиметр нормал ҳолатга қайтарилади.

2. Визкозиметр нозик ва мураккаб тайёрланганлигини ҳисобга олиб, ишлаётган пайтда ўта эҳтиёт бўлиб, асбобни кирланиши ва синиб қолишига йўл қўймаслик керак.

- а). Асбобни мой билан тўлдириш пайтида факат битта тирсагидан ушлаш тавсия этилади.
- б). Резина трубкани кийгизилаётган ёки ечилаётганда ўша тирсакни ушлаб туриб амалга оширилади.
- в). Мойни сўришда факат сифимларга тегишли мой миқдорини сўриб олиш лозим.
- г). Визкозиметрни штативга ўрнатишда ҳаддан ташқари қаттиқ қотириб маҳкамлаш тавсия этилмайди.

3. Тажриба ўтказиш учун мой ҳароратини  $20\pm0,1^{\circ}\text{C}$  бўлишини таъминлаш лозим. Термометр ёрдамида ҳарорат назорат қилиб борилади.

4. Белгиланган ҳароратда мой билан тўлдирилган визкозиметр 10 минут атрофида ушлаб турилади.

## **Ишни қуидагича бажарамиз:**

1.А белгигача мой сўрилади. Капиллярда ҳаво пуфакчалари ҳосил бўлишига йўл қўймаслик керак, чунки бу тажрибанинг сифатини бузади. Суюқликни А белгидан пастга тушишни кузатилади, Секундомер(вакт ўлчагич) ёрдамида кенгайтирилган сифим 4дан капилляр 2га оқиб ўтиш вақтини қайд этилади. Тажриба 3 марта такрорланади. Ҳар бир тажрибада олинган натижалар 0,5% фарқ қилиши мумкин.

2.Кинеметик қовушоқликни берилган ҳарорат шароитидаги қийматини ҳисоблаймиз,

$$v = C \cdot \tau$$

Визкозиметр доимииси асбоб паспортнидан олинади. Вакт қўрсаткичлари 3 марта такрорланган тажрибани ўртacha арифметиги олинади.

## **4.Ҳисобот тузиш.**

- 1.Лаборатория ишини мавзуси.
- 2.Ишнинг мақсади.
- 3.Ишнинг натижалари.
- 4.Тажриба асбобининг принципиал схэмаси.
- 5.Хулоса

## **4. ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ**

*Мавзу:* Сурков мойларни асосий сифат қўрсаткичларини аниқлаш.

1.Ишнинг мақсади: Талабаларни сурков мойларни эксплуатацион сифатларини ҳарактерловчи асосий ҳоссаларини аниқлаш услублари билан таништириш. Автомобил, ҚҲМ, транспорт воситаларида кенг қўлланилладиган мойларни навлари ва русумларини ўргатиш. Сурков мойларининг асосий турлари билан таништириш.

## **2.Ишнинг мазмуни: сурков мой намунаси берилган. Берилган намунани ташқи белгилари бўйича сифатини аниқлаш**

- а. Сурков мойларини ташқи белгилари билан танишиш.
- б. Томчи ҳароратини аниқлаш.
- в. Пенетрация сонини аниқлаш усули билан танишиш.

### **3.Ишни бажариш тартиби:**

а. Сурков мойларининг ташқи белгилари билан танишиш. Сурков мойларини ўзининг вазифасига кўра, З та гурухга бўлинади: антифрикцион, ҳимоя, маҳкамловчи. Кенг қўланиладиган мой русумлари бир нечта бош ҳарфлар билан белгиланади, уларнинг маънолари қуидагича:

У-унверсал, Н-кам эрувчи, томчилаш ҳарорати  $65^{\circ}\text{C}$  гача бўлган, Т-қийин эрувчи, томчилаш ҳарорати  $100^{\circ}\text{C}$  дан юқори С-ўртacha эрувчи, томчилаш ҳарорати  $65\text{-}100^{\circ}\text{C}$  гача, В-сувга турғун, З-ҳимояловчи, А-активлашган.

Сонли индекс эса бир ҳил навли ҳар ҳил навли, ҳар ҳил мойларни белгилаш учун ишлатилади. Масалан, УСС-2 универсиал, синтетик, ўртача эрувчи мой ҳисобланади.

**Ранги:** қўпгина мойлар учун ташқи белгилари ҳарактерли эмас. Ҳар ҳил русумдаги қўпгина мойлар очик сариқдан тўқ жигаррангача оралиқда ўзгарадиган бир ҳил рангга эга. Баъзи мойлар ҳарактерли рангга эга. Масалан графитли мой қора рангга эга, техник вазелин эса юпқа қатламда ялтироқ..

Таркибининг бир ҳиллиги мойлаш материали мой билан қуюқлантирувчи қўшимчаларни бир ҳил аралаштиришга боғлиқ. Мой таркибини бир ҳиллигини аниқлаш учун ойна устига мойлаш материали сурилади ва ўтувчи нурга тутилади, бунда ойнадан ўтаётган нур бир хил тарқалиши керак.

**Синтетик солидол:** УСС ойнага сурилганда унча катта бўлмаган доғ ҳосил қиласи. Ойнада ҳосил бўлган доғни ранги бошқалардан фарқ қилмайди. Агар қиздирилса, солидол таркибида 3% гача сув бўлишини пайқаш мумкин.

**Ёғли солидол:** УСС ойнага суралганда зич ва анча түқ доғ ҳосил қиласи. У ерда ҳам бу ерда ҳам таркибида сув бўлишини кўриш мумкин.


**Консталин:** УТ-1 ва УТВ мойни қоғозга суртилганда илгариги кўринишини сақлади. Қаттиқ қиздирилганда мой оқувчанлик кўринишига ўтмайди. Ҳаво пуфакчалари ҳосил бўлиши кузатилмайди.

**Графит мойи:** УСС –тўқ ёғли доғ ҳосил қиласи.

**Кардан мойи:** сариқ-жигарранг тусдаги мой.

б. Томчилаш ҳароратини аниқлаш.

Томчилаш ҳароратини аниқловчи асбобни асосий қисмини маҳсус ҳарорат ўлчагич, синалаётган мойни солиш учун шишиасимон капсула, метал гильза капслани ўрнатиш учун ҳизмат қиласи (7-расм). Термометр ва капсула пробиркани тагига нисбатан 25мм баландликда ўрнатилади Пробирка сувли ёки глицеринли ваннага ўрнатилади. Ванна электроплитка ёрдамида қиздирилади.



7-расм. Томчилаш ҳароратини аниқлаш асбоби.

1-термометр; 2-металл гильза, 3-чашка капсула, 4-стакан, 5-трубка


1. Капсула гильзадан олинади ва синалаётган сурков мойи билан тўлғазилади. Капсуладаги ортиқча мой шпатель ёрдамида қириб олинади.

2. Ҳарорат ўлчагич капсула билан биргаликда пробиркага жойланади. Пробирка ваннага солинади ва  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратдан бошлаб қиздирилади. Паст ва ўртача суюқланувчанлик ҳусусиятига эга бўлган сурков мойини томчилаш ҳароратини аниқлашда ваннага сув қуийлади. Сўнг суюқланувчанлик ҳусусиятига эга бўлган сурков мойининг томчилаш ҳароратини аниқлаш учун ваннага глицерин қуийш керак.

**3. Ҳарорат кўтарилиши билан капсула тешигидан биринчи томчи томади. Ушбу ҳарорат сурков мойини томчилаш ҳарорати ҳисобланади.**

в. Пенетрация сонини аниқлаш.

Пенетрация деб, мойининг механиқ ҳусусиятини шартли кўрсаткичига янги, стандарт асбоб конусининг мойга ботирилган чукурлигини 10дан 1мм аниқликдаги бирликлари билан ўлчангандан кўрсаткичга айтилади. Асбобнинг ишлаши қуидагича: конус (2), ушлагич (3) ёрдамида стакан (1)га тўдирилган мойининг юзасига теккунча тушуриб маҳкамлаб қўйилади (8 расм). Индикаторнинг штангаси (4) конусининг тушган масофасига белгилаб қўйилади ва индикаторнинг шкаласи нолга ўрнатилади. Синаш пайтида ушлагич бўшатилиб конус қўйиб юборилади. Конусининг мойга кирган чукурлигига teng бўлган масофага индикаторнинг штангаси тушириллади ва индикатор шкаласидан ҳисоб олинади. Масалан, ҳароратни  $25^{\circ}$ даги пенетрация сони: УТ-Б консталин ёғи учун 225....275; JC<sub>c</sub>A-графит мойи учун 250; Литол -24 учун 220...250; Фиол -1 минерал мойи учун 310...340(Ваз, Тико, Нексия, Дамас русумли автомобиллар учун).



8-расм. Пенетрация сонини аниқлаш асбоби.

1-стакан; 2-конус; 3-ушлагич; 4-индикаторнинг штангаси.

#### **4-Ҳисобот тузиш.**

1. Лабаратория ишининг мавзуси.
2. Ишнинг мақсади.
3. Ишнинг натижалари.
4. Тажриба асбобининг принципиал схемаси.
5. Ҳулоса.

#### **5- ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ**

**Мавзу:** Техник суюқликларнинг ҳоссаларини комплекс баҳолаш.

**1.Ишнинг мақсади:** Талабаларни автомобил, К.Х.М ва транспорт воситаларида қўлланиладиган техник суюқликларни асосий, физик-

кимёвий ва эксплуатацион ҳоссаларини аниқлаш усуллари билан танишириш.

## **2.Ишнинг мазмуни:**

- а. Техник суюқликларнинг ташқи белгилари билан танишиш.
- б. Антифриз таркибини гидрометр ёрдамида аниқлаш.
- в. Тормоз суюқлиги таркибини аниқлаш.

## **3. Ишни бажариш тартиби:**

- а. Техник суюқликларнинг ташқи белгилари билан танишиш.

### **1. Паст ҳароратда музлайдиган совитиш суюқликларининг сифатини баҳолаш.**

1- Паст ҳароратда музлайдиган совутиш суюқликлари – антифризлар двигателларнинг совитиш тизимида қўлланади. Автотрактор двигателларида асосан этиленгликолли антифризлар ишлатилади. Этиленгликол  $C_2H_4(OH)_2$  – икки атомли спирт, заҳарли, рангсиз, ҳидсиз, сув билан яхши аралашади, унинг  $20^{\circ}C$  даги зичлиги  $1113 \text{ кг}/\text{м}^3$ ,  $-11,5^{\circ}C$  да музлайди. Этиленгликолни сув билан аралаштирганда  $0^{\circ}C$  дан  $-70..75^{\circ}C$  гача ҳароратда музлайдиган аралашма ҳосил қилинади. Сув билан этиленгликолни зичлиги ҳар ҳил. Шунинг учун турли ҳил аралашмали нисбатларда зичлик ўзгариб боради. Саноатда 40, 65 ва 45 "к" концентрати ишлаб чиқарилади. 1- жадвалга қаранг.

Жадвал

Паст ҳароратда музлайдиган совитиш суюқликлари.

Кўрсаткичлар	Навлар учун меъёр		
	40	65	45
Ранги	Тиник сариқ	Пушти	Сариқ
$20^{\circ}C$ даги зичлиги	1067..1072	1085..1090	1110..1115
% хисобидаги таркиби			
Етиленгликол	52	64	94
Сув	47	35	5
Музлаш ҳарорати $^{\circ}C$	- 40	-65	—
Ишлатиш ҳарорати, $^{\circ}C$	-40...95	-60...95	—

1 л 40 "к" концентратига 0,73 л сув қуиши билан А-40 совитиш суюқлиги ҳосил бўлади.

Этиленгликол коррозияга мойил бўлгани учун совитиш суюқлигига коррозияга қарши қўлланиладиган присадкалар қўшилади. Бу присадкаларга декстрин, динатрий фосфат, молибден–оксидли натрий киради. Декстрин – крахмал типидаги углевод бўлиб, уни 1 г/л миқдорида антифризга қўшилади. Декстринни 5-10% антифризда аралашмасдан соллоид қўринишига эга бўлиб қолади. Тринатрий фосфат антифризга 2,5,,3,5, г/л миқдорида қўшилади. У пўлат, чўян ва мисдан ясалган деталларнинг коррозияланишига олиб келади.

Молибден оксидли антрий антифризга 7..8 г/л миқдорида қўшилади. Бундан ташқари мавсумий паст ҳароратда музлайдиган Тосол А, Тосол А-40, Тосол А-65 турдаги суюқликлар қўлланилади. Бу суюқликлар ҳаворанг тусга бўялган бўлиб, унга коррозияга қарши ва антипан присадкалар қўшилади. Тосол-А суюқлигини 50 фоизини дистилланган сув ташкил қилади. Унинг қотиш ҳарорати  $-35^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади. Тосол А -40 суюқлигининг музлаш ҳарорати  $-40^{\circ}\text{C}$ , Тосол А-65ники эса- $65^{\circ}\text{C}$  бўлади.

Тосолнинг навини унинг зичлигига қараб аниқланади.  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда Тосол А нинг зичлиги  $1120.1140.\text{кг}/\text{м}^3$ , Тосол А-40ники  $1075..1085 \text{ кг}/\text{м}^3$ , Тосол А-65ники эса  $1085...1095 \text{ кг}/\text{м}^3$  бўлади.

## **2. Тормоз суюқликларининг сифатини баҳолаш**

Автомобил, ҚҲМ ва транспорт воситалари гидроузатмаларини ишончли ишлиши тормоз суюқликларининг эксплуатацион ҳоссаларига боғлиқ. Тормоз суюқлиги енгил ҳаракатлантирувчан, қовушоқлик даражаси, қотиш ҳарорати атроф–муҳит ҳароратидан паст бўлиши керак. Ҳозирги кунда ГТЖ – 22 М, Нева, БСК русумли тормоз суюқликларини ишлаб чиқарилади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

Күрсаткичлар	Навлар учун меъёр		
	ГТЖ-22М	Нева	БСК
Ташқи кўриниши	Тиник зангор суюқлик	Сариқ, сариқ жигарранг рангдаги суюқлик	қизил, пушти, рангдаги суюқлик
20°C даги зичлиги	1100...1110..	1012...1015	890...900
50°C ҳароратдаги кинематик қовушоқлиги, мм <sup>2</sup> /с (ССТ)	7,9....8,3	5,0 дан кам.	9,4...13,5
Паст ҳароратли ҳоссаси	Музлаш ҳарорати- 65°C атрофида	-40°C ҳароратда 6 сутка ва -50°C ҳароратда 6 соат давомида чўкинди ҳосил бўлмаслиги керак	-40°C ҳароратда 30минут бўлмаслиги керак.

ГТЖ -22 М тормоз суюқлиги турли ҳил гликолларни аралашмасидан иборат бўлади. У қониқарли қовушоқли, ҳароратли ва паст ҳароратли ҳусусиятга эга. Камчиликларига келганда ўткир заҳарли, ёмон мойланиш қобилиятли ва юқори гидроскопикдир.

Гликол таркибли Нева тормоз суюқлиги енгил автомобилларда кўлланилади. Яхши қовушоқли- ҳароратли ҳоссаги эга бўлиб (50°C ҳароратда 5 сст) сувда яхши арлашади, сувли аралашмани ягоналиги - 40°C гача сақланади.

БСК тормоз суюқлиги 50% кастёр мойи ва 50% бутил спирти аралашмасидан ташкил топади. Кастёр мойи яхши мойланишини тамиnlайди. У тормоз тизими резина деталларини бўшаши ва

суюқликка шимилишини ҳосил қилмайды. БСК тормоз суюқлиги қониқарсиз-қовушоқлик, ҳароратли ҳусусиятга эга.

ЭСК суюқлиги 60% кастёр мойи ва 40% этил спирти аралашмасидан иборат. У қизил рангли тусга эга.

«Том» тормоз суюқлиги, гликол ва бор кислотали эфир аралашмасидан иборат бўлиб, у енгил ва юк автомобилларини гидравлик тормоз тизимида қўлланилади. Тормоз суюқлиги таркибига бошқа турдаги кастёр мойи, гиликолли суюқликларни қўшиш тавсия этилмайди. У тизим эксплуатацион кўрсаткичларининг камайишига олиб келади.

б. Антифриз таркибини гидрометр ёрдамида аниқлаш.

1. Шишасимон цилиндрга 250 мл ҳажмда ишлаётган антифриз қуйилади ва унга гидрометр аста секин туширилади.

2. Гирометр антифриз ҳароратини қабул қилгунча 5 минут кутилади ва намунанинг таркибини, ҳарорати шкаладан олинади.

3. Гидрометр  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда градусланган.

Агар бошқа ҳароратда тажриба ўтказилса, гидрометр кўрсаткичи 3- жадвал бўйича тўғриланади.

3-жадвал

Синалаётган антифриз ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	Этиленгликол миқдори, %								
K30	17	22	27	32	36	41	46	50	55
K20	20	25	30	35	40	45	50	55	60
K15	21	26	32	37	42	47	52	57	63
K10	22	27	33	38	44	49	54	59	65
0	24	29	35	40	47	52	58	63	69
-10	25	31	37	43	59	56	62	67	73

Масалан,-  $10^{\circ}\text{C}$  ҳароратда гидраметр 37% гликол миқдорини кўрсатсин, у ҳолда ҳақиқий антифриздаги гиликол миқдори 30%

бўлади. Агар гидрометр кўрсаткичи жадвалга мос келмаса у ҳолда энтерполяция усулидан фойдаланилади.

3. Антифриз таркибини гидрометр ёрдамида аниқлаш пайтида унинг музлаш ҳароратини ҳам ўлчанади.

4. Антифриз таркибини тўғрилаш учун сув ёки этиленгликол микдорини ҳисоблаш:

Антифриз сифатини яхшилаш учун этилин ги никол микдорини қўйидаги формулалар билан ҳисоблаймиз.

$$X = \frac{a - b}{B} v$$

Антифриз сифатини яхшилаш учун сув микдорини қўйидаги формулага қўйиб ҳисоблаймиз.

$$X = \frac{c - d}{D} v$$

Бу ерда: x-қўшиладиган компонент микдори, л:


v – намуна антифризнинг микдори, л:

с-синалётган намунадаги сувнинг фоиз ҳисобидаги ҳажми  
(диаграммадан олинади)


в- берилган аралашмадаги сувнинг фоиз ҳисобидаги ҳажми  
(диаграммадан олинади)

с-синалётган намунадаги этелин ги николни фоиз ҳисобидаги ҳажми.

d-берилган аралашмадаги этиленгликолнинг фоиз ҳисобидаги ҳажми  
(диаграммадан олинади)



9-расм паст ҳароратда музлайдиган этилин гиликолли суюқликларнинг музлаш ҳароратини этиленгликол таркибига боғлаш



графиги

10-расм Гидрометр ва унинг шкаласи  
в. Тормоз суюқлиги таркибини аниқлаш.

1. Тормоз суюқлигининг ранги 2-жадвалда келтирилган.
2. Тормоз суюқлиги аралашиши текширилади. Бунинг учун пробиркага тенг миқдорда суюқликлар куйилади. Суюқликлар чайқалтирилади. Агар аралашмада қатламлар ҳосил бўлса, суюқлик турли ҳил қисмлардан ташкил топган. Бундай аралашмани тормоз тизимига қуиши мумкин.

### **3. Намунани сувда ва бензинда эришини текшириш.**

БСК ва ЭСК суюқлигига сув қўшилса улар эриб кетади. Гликолли суюқликлар эса сувда тўла аралашиб кетади. Кастёр мойли суюқликка бензин қўшилса, у аралашиб бир жинсли аралашма ҳосил қиласди. Гликолли суюқликлар бензин билан аралашмайди, балки иккита турли ҳил қатлам ҳосил қиласди.

### **4. Ҳисобот тузиш.**

1. Лаборатория ишининг мавзуси.
2. Ишнинг мақсади.
3. Ишнинг натижалари.
4. Тажриба асбобининг принципиал схемаси.
5. Ҳулоса.

## **6- ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ**

**Мавзу:** Лок-буёқ ашёларининг асосий ҳусусиятларини аниқлаш.

**1. Ишнинг мақсади:** Лок-буёқ ашёларини сепиш, қуритиш ва кўп катламли лок-буёқларни қопламаларини ҳосил қилиш усуллари билан танишиш, ҳамда лок-буёқ ашёларининг ҳусусиятларини аниқлашдан иборат.

### **2. Ишнинг мазмуни:**

- а. Метал юзаларни бўяшга тайёрлаш яъни грунтовкалаш ва шпатлевкалаш.
- б. Бўяш.
- в. Буёқларнинг ҳусусиятларини баҳолаш.
- г. Буёқ қопламаларининг мустахкамлик ҳусусиятларини аниқлаш.

### **3. Ишни бажариш тартиби:**

А. Метал юзаларни бўяшга тайёрлаш, грунтовкалаш ва шпатловкалаш учун қуидагилар бажарилади.

а) 100x100x0,8 мм ўлчамга эга бўлган пўлат-ясси детални ҳар икки томонини қум қоз ёрдамида тозалаш, юзасидаги чанг, занг ва қумқоздан қолган заррачалардан тозалаш, бензинда ювиш ҳамда қуритиш.

б) Бўяш учун тайёрланган детални ГФ -020, ГФ-037 ёки № 138 русумли грунтовка-буёқларга ботириш (шундай ботириш лозимлиги детални ҳар иккала томони ярмигача грунтовкаланган бўлсин), 5 минут давомида грунтовкани оқиб текисланишини кузатиш.

в) Детални грунтовкаланган юзасини 100...110 °С ҳароратда 20...25 дақиқа давомида кузатиш. Бунинг учун грунтовкаланган юзага пахта парчаси қўйилиб уни устига таянч юзаси 100мм<sup>2</sup> ва оғирлиги 0,2 кг бўлган юкни 30 секунд давомида қўйиб турилади. Агар 30 секунд давомида юзага қуйилган пахта парчаси олинганда ёпишмай ёки из қолдирмай кўчса грунтовкаланган юза охиригача қуриган ҳисобланади. Детални грунтовкаланган юзаси шпатлекаланади (текисланади). Бунинг учун грунтовкаланган юзани тўла қуриганига ишонч ҳосил қилиш керак.

г) Автомобил деталларини шпатлевкалаш учун қўлланиладиган шпатлевка ашёларини стандарт турлари билан танишиш.

д) Грунтовкаланган юзага (ясси деталнинг факт бир томонига) шпатлевка суртилади (масалан Нц-007 навли шпатлевка), шпатлевка қатлами шпател ёрдамида суртилади. Қатlam минимал қалинликка эга ва текис бўлиши керак, ҳамда бўяладиган юзадаги нотекисликлар бартараф этилиши шарт.

е) шпатлевкаланган юза 60...70° ҳароратда 15...20 дақиқа давомида қуритилиши лозим.

ж) Шпатлевкаланган юза 5 дақиқа давомида совитилиб тўла қуриганликка синаб кўрилади.

3) Юзадаги шпатлевкаланган қатlam № 180 рақамли қум қозға ёрдамида текисланади, текисланиш натижасида ўта силлик ва ғоваксиз юза пайдо бўлиши шарт.

Б. Деталларни нитргомал ёрдамида бўяш учун қўйидагилар бажарилади.

а). Буёқларни пуркаш қурилмалари ва бўяшнинг пуркаш ёрдамида бажариладиган усувлари билан таъминлаш;

б). 100x100x0,8 мм ўлчамга эга бўлган ясси детални пуркаш усулида икки томонлама бўяш;

в). Бўялган ясси детални қўлда ушлаб ва оғиздан 10 см масофада тутиб туриб параш қаплам ҳосил бўлгунга қадар нафас ҳавоси ёрдамида пуфлаб турилади. Бу жараён бўялган юзани чангдан сақлаб турувчи юпқа қатlam ҳосил бўлиши учун бажарилади.

г). Бўялган ясси детални 50...60°C ҳароратда 10...15 дақиқа давомида қуритилади.


д). Деталнинг  $1 \text{ m}^2$  юзага сарфланадиган бўёқнинг миқдори унинг юзини талаблар асосида қоплай олиш қобилятини белгилайди. Шундан келиб чиқиб кўплаб деталлар учун  $1 \text{ m}^2$  юзада параш қуруқ ва мустаҳкам қатlam ҳосил қилиш учун ўртача 30...70гр эмаль бўёқ сарфлаш мўлжалланган

В). Бўёқларнинг хусусиятини аниқлашда қўйидагилар бажарилади;

а). Тажриба хонасидаги мавжуд бўлган автомобилларни бўяш учун мўлжалланган бўёқлар билан танишиб чиқилади;

б). Ишлатиладиган бўёқнинг тури ва намунаси синаб текшириб кўрилади. Бунинг учун бир қисм бўёқ олиниб бензин ва ~ 646 рақамли эритувчи суюқлик ёрдамида эритиб кўрилади. Унинг учун бир ҳилда олинган иккита пробиркага тубидан 30 мм баландликкача бўёқ қуйилиб шунча миқдорда бензин, иккинчисига эса эритгич қуйилади ва силкитиб аралаштирилади. Нитроэмал ва эритгич яхши аралашиб бир ҳил аралашмага айланади, Бензин билан эса бундай ҳол юз бермаслиги лозим.

в) Бўёқнинг қовушоқлигини ўлчайдиган Вз-4 русумли (11 расм) вискозиметр ҳажми 10 мл бўлган пластмасса стакан 1 дан иборат. Унинг таг қисмида диаметри 4 мм бўлган тешик мавжуд бўлиб бу тешикни пўлат сокқа тўсиб туради. Соққанинг юзасига асбобдан чиқиб турадиган сим ёпиштириб қўйилган бўлади. Соққани кўтариб тешикни очиш учун вискозиметр бўёқга тўлдирилади ва уни бўшаш вақти секундаметр ёрдамида ўлчанади ҳамда бу вакт бўёқнинг қовушоқлигини белгилайди. Пуркаш усулида бажарилган қопламадаги бўёқларнинг қовушоқлигини  $18-20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 20...30 секунд, қил счётка билан бажарилган қопламадаги бўёқларнинг эса 30-60 секундга teng бўлиши керак.



11-расм. Вискозиметр Вз-4

1-стакан; 2-шарик; 3-штатив

г) Бўёқ қопламаларнинг мустахкамлик ҳусусиятларини аниqlашда қуйидагилар бажарилади.

а). Детал бўялиб қуритилгандан сўнг совитилади;

б). Бўёқ қатламни мустахкамлигини синаб кўрилади, бунда бўёқ қатламларини ўзаро ва бўёқ қатлами ва метал юзаси ўртасидаги мустахкамлик даражаси қўз ва сезги ороқали текширилади.

Бунинг учун бўялган юзаларда ўзаро перпендикуляр йўналишларда ўта учлик игна ёрдамида ўзаро 1 мм бўлган чизиклар ўтказилади. Бунда, чизик иғнанинг учи метал юзасига етиб чизилиши лозим. Агар ҳосил бўлган  $1 \text{ mm}^2$  юзага бармоқ билан босим ҳосил қилиб ва уни сурилганда алоҳида қатламлар детал юзасидан кўчиб кетмаса бўёқ қопламалари етарли мустахкамликка эга деб ҳисобланади. Худди шундай синовлар саноат миқёсида У-1 русумли синаш копралари ёрдамида бажарилиши мумкин.

#### **4. Ҳисобот тузиш**

- 1.Амалий ишнинг мавзуси
- 2.Ишнинг мақсади.
- 3.Тажриба натижалари
- 4.Тажриба асбобининг принципиал схемаси
- 5.Хулоса.

#### **ИЛОВА.**

1-жадвал

Автомобил бензинларининг асосий кўрсаткичлари.

Сифат кўрсаткичлари	Бензин русумлари				Ост 38-01-97
	A-72	A-76	Аи-93	Аи-98	
Мотор усули билан аниқланадиган октан сони	72	76	85	89	-
Тақдиқот усул билан аниқланган октан сони	-	-	93	98	95
Тетраэтилсвинаец миқдори г/кг	қатнаш-майди	0,24	0,50	0,50	қатнаш-майди
Фракцион таркиби: ҳайдашнинг бошланғич ҳарорати °C бўлганда . -ёзги бензин -қишки бензин	35 Норма-лан-майди	35	35	35	30
Ҳайдаш ҳарорати , °C					
10% ёзги бензин	70	70	70	70	70
қишки бензин	55	55	55	55	-
50% ёзги бензин	125	115	115	115	115
қишки бензин	100	100	100	-	-
90% ёзги бензин	180	180	180	180	185
Ҳайдашнинг охирги ҳарорати.					
Ёзги бензин	195	195	195	195	185
қишки бензин	185	185	185	-	-
Тўйинган буғ босими мм. сим.уст	500	500	500	500	400
Ёзги бензин					
қишки бензин	500-700	500-700	500-700	500-700	500-700
Ранги	рангсиз	сарик	пушти қизил	кўк	-

2-Жадвал

Дизель ёнилғиларининг асосий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	ГОСТ
--------------	------

НОМИ	А	З	Л	ЗС	ДА	ДЗ	ДД
Цетан сони	45	45	45	45	45	45	45
Фракцион таркиби, °C							
50% ҳайдалганда	240	250	280	280	280	280	290
90% ҳайдалган	330	340	360	340	330	340	360
қовушқолиги	1,5-2,5	1,9-3,2	1,8-3,2	1,5	3,5	3,5	
%	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01
Олтингугурт миқдори%	0,4	0,5	0,05	0,2	0,2	0,2	0,2
Ёпик тигидаги чақнаш ҳарорати °C	30	35	40	35	35	50	65
Ҳарорати °C	-	-25	-5	-35	-	-36	-5
қотиш ҳарорати °C	-55	-35	-10	-45	-60	-45	-10
Смола миқдори, мг/100 мл	30	30	40	30	30	30	50

3-Жадвал

Карбюраторли двигателларда ишлатиладиган мотор мойларининг асосий кўрсаткичлари.

Күсаткичлар номи	Русумлар бўйича кўрсаткичлар қиймати					
	М-8А	М-А <sub>1</sub>	М-8Б <sub>1</sub>	М-8П <sub>1</sub>	М-6 <sub>3</sub> /10 <sub>1</sub>	М-12Г <sub>1</sub>
Кинематик қовушоқлиги						
100°C атрофида, мм <sup>2</sup> /с	8±0,5	8±0,5	8±0,5	8±0,5	10±0,5	12±0,5
0°C атрофида, мм <sup>2</sup> /с	1200	1200	1200	—	1000	—
Механик қўшилмалар миқдори, % хис.	0,015	0,015	0,015	0,015	0,015	0,015
қотиш ҳарорати, °C	-25	-25	-25	-30	-22	-20
%	0,45	-	-	-	-	-
Актив елементлар миқдори % хис						
Калций	-	0,06	0,16	0,23	0,30	0,23
Барий	0,27	0,27	-	-	-	-
Рух	0,026	0,060	0,090	0,1	0,1	0,1
Чакнаш ҳарорати	200	200	200	210	210	220

4-жадвал

Дизель двигателларида ишлатиладиган мойларнинг  
асосий кўрсаткичлари

Күрсаткичлар номи	Русумлар бўйича кўрсаткичлар қиймати					
	M-8 Б <sub>2</sub>	M-10 Б <sub>2</sub>	M-8 Г <sub>2</sub>	M-10 Г <sub>2</sub>	M-8 Г <sub>2К</sub>	M-10 Г <sub>2К</sub>
Кинематик қовушоқлиги						
100°C атрофига, мм <sup>2</sup> /с	8±0,5	11±0,5	8±0,5	11±0,5	8±0,5	11±0,5
қовушоқлик индекси	90	90	90	90	90	90
қўлланиши % хисобида	1,30	1,30	1,65	1,65	1,15	1,15
Шелоч сони, мг/г	3,5	3,5	6,0	6,0	6,0	6,0
Чақнаш ҳарорати, °C	200	200	200	205	200	205
қотиш ҳарорати, °C	-25	-15	-25	-15	-30	-15

## АДАБИЁТЛАР

- Акбаров А. ва бошқалар. Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар. Тошкент, “Фан”, 2003 й.

2. Акбаров А. “Ёнилғи ва мойлаш материаллари” фанидан тажриба ишларини бажариш бўйича услубий қўлланма. Наманган 2004 й.
3. Василева П.С. Автомобилнўе эксплуатационные материалы. М. Транспорт, 1989 г.
4. Кузнецов А. В. И др. Практикум по топливу и смазочном и материалу. Москва. Машгиз. 1989 г
5. Лўшко Г.П. Топливо и смазочнўе материалў. М. Агропромиздат, 1990 г.
6. Шарипов П. А. Ёнилғи мойлаш материаллари. Тошкент. Мехнат 2001 й
7. Маткаримов К.Ж. Транспорт воситаларида ишлатиладиган ашёлар. Т. 2004 й.





